

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВА НАРГИЗА МАРАТОВНА**

**ҲОЗИРГИ РУС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА**  
**АЁЛ НАСРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ибрагимова Наргиза Маратовна**

Ҳозирги рус ва ўзбек адабиётида

аёл насри поэтикаси..... 3

**Ибрагимова Наргиза Маратовна**

Поэтика женской прозы в современной русской и

узбекской литературе..... 19

**Nargiza Maratovna Ibragimova**

The Poetics of Women’s Prose in Modern Russian and

Uzbek literature ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВА НАРГИЗА МАРАТОВНА**

**ҲОЗИРГИ РУС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА**  
**АЁЛ НАСРИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil91 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мирқурбанов Насирулла Мирсултанович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Содиқов Зоҳиджон Яқубжанович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Умурова Гузал Хатамовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.Х. Боқиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги даврда миллий адабиётларда рўй бераётган жараёнларни қиёсий ўрганиш жаҳон адабиётшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу яхлит ҳолда дунё адабиётининг ҳозирги босқичдаги умумий ривожланиши тенденцияларини ва шу билан бирга миллий адабиётларда кўплаб жараёнларни аниқлаш ва изоҳлаш учун имконият яратади. Турли миллий адабиётларнинг, жумладан, рус ва ўзбек адабиётларининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишидаги ижодий изланишлар адабиётшунослик фани ривожланишидаги долзарб ва самарали йўналиш бўлиб, мазкур муаммоларнинг ечилиши аёл насрининг рус ва ўзбек адабиётларидаги ўзига хос феномен сифатидаги асосий ривожланиш йўналишларини аниқлаш, поэтикасини типологик тадқиқ қилиш ва таърифлаш имкониятини беради.

Дунё адабиётшунослигида «аёл насрининг» фундаментал тадқиқотлари амалга оширилмоқда. Табиийки, аёл насрини замонавий адабиётшуносликнинг турли тадқиқот методлари воситасида ўрганиш ҳамда адабиётшуносликка оид дефиницияларни шакллантириш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Макон ва замон тушунчаларига оид саволлар фалсафа, эстетика, санъатшунослик ва адабиётшуносликнинг фундаментал муаммоларидир. Макон ва замон ўзгариши тўғрисидаги тасаввур билиш жараёни ҳамда унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бадий тафаккур эволюциясини ўзида акс эттиради. Бу эса ҳар бир тарихий даврдаги бадий тафаккур, макон ва замон муаммоларини изоҳлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз замонавий адабиётида, хусусан насрий асарларда, аёл адибаларнинг дунёқараши ва улар томонидан макон-замон континуумини англаниши муаммолари кенг намоён этилган. Зеро, «аёлларни ижтимоий-хуқуқий қўллаб-қуватлаш тизимини такомиллаштириш, оналик, оталик ва болаликни муҳоваза қилиш, аёлларни эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш»<sup>1</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва билим талаб қиладиган лойиҳалар соҳасидаги инновацион фаолиятни такомиллаштириш Ҳаракатлар стратегияси давлат дастурининг устувор йўналишлари бўлиб, адабиётшуносликни янада ривожлантириш ва ушбу соҳада олиб борилаётган чуқур замонавий тадқиқотларни ўтказиш учун қўшимча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сон Фармони.  
[https://nrm.uz/contentf?doc=598778\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasining\\_02\\_09\\_2019\\_y\\_o%E2%80%98rq-562-son\\_hotin-qizlar\\_va\\_erkaklar\\_uchun\\_teng\\_huquq\\_hamda\\_imkoniyatlar\\_kafolatlari\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\\_qonuni\\_\(qonunchilik\\_palatasi\\_tomonidan\\_17\\_08\\_2019\\_y\\_qabul\\_qilingan\\_senat\\_tomonidan\\_23\\_08\\_2019\\_y\\_maqullangan\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=598778_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_02_09_2019_y_o%E2%80%98rq-562-son_hotin-qizlar_va_erkaklar_uchun_teng_huquq_hamda_imkoniyatlar_kafolatlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qonuni_(qonunchilik_palatasi_tomonidan_17_08_2019_y_qabul_qilingan_senat_tomonidan_23_08_2019_y_maqullangan)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги қабул қилинган ЎРҚ-561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва ЎРҚ-562-сон «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» қонунлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ўзбекистон Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва рус адабиётшунослигида «аёл насри» муаммоларига бағишланган тадқиқотларнинг кенг доираси<sup>2</sup> шаклланган, бироқ уларнинг айримларидагина миллий адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ўзаро таъсири кўриб чиқилган, миллий адабиётлардаги аёл насрининг чоғиштирма-қиёсий таҳлили амалга оширилган. Аёл насри поэтикаси масалалари, таркибий-мазмуний компонентларнинг ўзига хосликлари, аёл характерлари типологияси, феминин дискурсининг талқини масалалари қиёсий жиҳатдан етарлича чуқур ва тўлиқ ўрганилмаган. Рус ва ўзбек аёл насрининг ўзаро ҳамкорлиги умуман тадқиқ этилмаган.

Ўзбек адабиётшунослигида «аёл насри» ва «аёл насри типологияси» атамалари ҳозиргача анчагина эҳтиёткорлик билан ва кам қўлланади. Аёл насрига оид айрим асарлар кузатуви ва чоғиштирма-қиёсий таҳлили Н.М. Мирқурбанов<sup>3</sup>, С.Э. Камилова<sup>4</sup>, О.Ч. Хегай<sup>5</sup>, Н.А. Давшан<sup>6</sup>, Ш. Холмирзаев<sup>7</sup>, У. Норматов<sup>8</sup>, К. Йулдошев<sup>9</sup>, Х. Дўстмуҳаммад<sup>10</sup> кабиларнинг мақолаларида ўз аксини топган.

<sup>2</sup>Бутенина Е.М. Гибридная идентичность как литературная проблема. На материале китайско-американской женской прозы XX века. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 290 с.; Воробьева Н.В. Женская проза 1980-2000-х годов: динамика, проблематика, поэтика. Дисс. ... канд. филол. наук. – П., 2006. – 280 с.; Горбунова Н.И. Художественная структура персонажей в современной немецкой женской прозе. Дисс. ... канд. филол. наук. – С-П., 2010. – 280 с.; Пастухова Е.Е. Русская женская проза рубежа XX – XXI веков в осмыслении отечественной и зарубежной литературной критики. Дисс. ... канд. филол. наук. – С., 2010. – 298 с.; Пензина О.В. Женская проза второй половины XIX века: гендерный аспект авторства. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009. – 290 с.; Пеха М.П. Проблема характера в современной иронической прозе: (Ф.И. Искандер, В. Токарева, В. Шукшин). Дисс. ... канд. филол. наук. – О., 1992. – 290 с.; Писаревская Г.Г. Проза 80-90-х годов. Л. Петрушевская и Т. Толстая. Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1992. – 290 с.; Пушкирь Г.А. Типология и поэтика женской прозы: гендерный аспект (на материале рассказов Т. Толстой, Л. Петрушевской, Л. Улицкой). Дисс. ... канд. филол. наук. – С., 2007. – 320 с.; Ровенская Т.А. Женская проза конца 1980-х начала 1990-х годов (проблематика, ментальность, идентификация). Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. – 320 с.; Фатеева Н. Современная русская «женская» проза: способы самоидентификации женщины как автора. Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 2004. – 290 с.; Широкова Е.В. Художественные эксперименты в русской женской прозе конца XX века. (Поэтика языка и времени). Дисс. ... канд. филол. наук. – И., 2005. – 290 с.

СМ. – <http://www.dissercat.com> – Каталог диссертаций по женской прозе.

<sup>3</sup>Мирқурбанов Н.М. / Ибрагимова Н.М. К вопросу о тематической и образно-стилевой близости русской и узбекской прозе женщин-писательниц. – М.: Фонд «Просветитель», 2020. – С.321.

<sup>4</sup>Камилова С.Э. Развитие поэтики жанра рассказа в русской и узбекской литературе рубежа XX-XXI веков. Автореф. ... дисс. докт. филол. наук. – Т., 2016. – С.25.

Ўзбек аёл насри вакилларининг ижоди ва Ўзбекистондаги энг янги давр адабий жараёни тадқиқига бағишланган, умумий муаммолар кўриб чиқилган, аёл насрининг алоҳида вакиллари ижоди ҳамда адабиёт ривожига дагонавий тенденциялар таҳлил қилинган қатор диссертация тадқиқотлари муайян даражада қизиқиш уйғотади. Бундай тадқиқотлар кўп эмас, улар асосан Ф. Афрўз, З. Қуролбой қизи, Ш. Исаханова, С. Вафо, М. Курбанова<sup>11</sup> ва бошқа таниқли хотин-қиз ёзувчилар ижодига бағишланган. Мазкур тадқиқотларда, одатда, аёл насрининг типологик умумийлиги ва миллий ўзига хослиги, хотин-қиз ёзувчилар ижодий дастхати хусусиятлари, адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Адабиётшунослик илмида ва адабий танқидда аёл насри вакиллари асарларининг ҳар томонлама, тизимли ва чуқур баҳоламанлиги, шунингдек, улар томонидан жаҳон ва рус адабиёти анъаналарининг ижодий ўзлаштирилиши муаммоларини тадқиқ этиш заруратининг юзага келганлиги ушбу илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тақдим этилаётган иш аёл насрининг ижтимоий-маданый феномен сифатида бадий-эстетик ҳамда жанр хусусиятлари, ўзига хос омиллари: оламнинг гендер бадий манзарасининг тасвирланиши, дагонавий жамиятда маскулин тартиб ҳукмронлигининг очиб берилиши, ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида усул ва воситалари кабилар ҳозирги вақтда ижод қилаётган аёл ёзувчилар ижодида акс этганлигини аргументатив асослашга уринишдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Рус ва хорижий адабиёт» кафедраси томонидан ишлаб чиқиляётган: «Дамонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари», «XX аср рус адабиёти тарихи», «Дамонавий адабий жараён», «МДХ халқлари адабиёти» илмий тадқиқотлар ва мажмуавий мавзулар билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** рус ва ўзбек хотин-қизлар насрининг давр руҳидан келиб чиққан ҳолда адабий феномен сифатидаги типологик умумийлиги ва миллий ўзига хослигини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Россия ва Ўзбекистон адабий танқидчилигида хотин-қизлар насри муаммолари бўйича мавжуд тадқиқотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

---

<sup>5</sup>Хегай О.Ч. Типологическое пространство женских образов в художественной системе Г. Щербакковой // Материалы ежегодных Виноградовских чтений в Узбекистане. – Т., 2009. – С. 380.

<sup>6</sup>Давшан Н.А. Проблематика русской женской прозы Узбекистана // Концептуальные проблемы мировой литературы и лингвистики в социокультурном пространстве XXI века: теория, методология, практика. – Т., 2009.

<sup>7</sup>Норматов У. Нафосат гурунглари. – Т.: «Мухаррир», 2010. – С.360.

<sup>8</sup>Курбанова М. Мухаббат мавсуми // («Тақдим». Ш.Холмирзаев). – Т.: «Шарк», 2003. – С. 45.

<sup>9</sup>Йулдош К. Ёник суз. Великие прорывы в малом жанре. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006 – С. 130.

<sup>10</sup>Қуролбой қизи З. Ёвузлик фариштаси // («Желание и вера». Х. Дустмухаммад) – Т.: «Янги аср авлоди», 2005.

<sup>11</sup>Кенжаева П.У. Ҳозирги ўзбек хикояларида қахрамон руҳиятини тасвирлаш томонлари. Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т., 2008. – 25 б.; Дустмухаммад Х. Ҳозирги ўзбек хикоячилигида бадий тафаккурнинг янгилиниши. Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т.: НУУз. 1995. – 22 б.

«хотин-қизлар насри» тушунчасининг замонавий рус ва ўзбек адабиётидаги ижтимоий-маданий феномен сифатидаги ўзига хос талқинини шакллантириш;

хотин-қизлар насрининг бадиий-эстетик ва ўзига хос жанр хусусиятларини белгилаш;

замонавий рус ва ўзбек хотин-қизлар насрининг тематик маконини тадқиқ қилиш;

Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар насрида оламнинг бадиий манзарасининг ўзига хослигини аниқлаш;

замонавий рус ва ўзбек адабиётида аёл насри континуумида\* хотин-қизлар характерининг типологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар насрида эркак образининг бадиий интерпретациясини ўрганиш ва тасвирлаб бериш;

рус ва ўзбек адабиётларида замонавий жамиятнинг маскул\* тартибини ва фемиоцентрик реалликни қайта тиклашга уринишларни тадқиқ этиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ХХ аср охири – ХХІ аср бошларида рус ва ўзбек хотин-қизлар насрининг таниқли вакиллари: россиялик Л. Петрушевская, Л. Улицкая, В. Токарева, С. Василенко, ҳамда ўзбекистонлик: Ш. Исаханова, Ф. Афруз, З. Куролбой қизи, С. Вафо, Ж. Эргашева, Д. Саидова ва М. Курбановаларнинг асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** рус ва ўзбек адабиётида хотин-қизлар насрининг типологик умумийлиги ўзига хослигини, миллий менталитет ва гендер идентикликнинг ўзаро нисбати, икки мамлакат хотин-қизлар насри ривожигаги мавжуд умумий қонуниятлар аниқлаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур тадқиқот методологиясини қиёсий-типологик, таркибий-семантик усуллар, герменевтика принциплари, *feminist literary approach* ва *mythological literary approach* ҳамда бадиий матннинг мажмуавий адабиётшунослик таҳлили (лексик-семантик, лингвостилистик ва контекстуал таҳлиллар) усулларининг биргаликда қўлланиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор рус ва ўзбек адабиётшунослигида аёллар насрига оид назариялар орқали хотин-қизлар насри инсоният тарихидаги улуғвор воқеа-ҳодисаларни, тарихий бурилишларни, долзарб муаммоларни тасвирлаши, мураккаб характерлар, гўзал инсоний хислатларни ифодалаши, қаҳрамоннинг қалб диалектикасини очиши нуқтаи назаридан ижтимоий-маданий феномен сифатида далилланган;

хотин-қизлар насрининг шакл ва мазмун компонентлари сифатида: оламнинг бадиий манзараси, хотин-қизлар характер типологияси, аёллар тақдири, уларнинг ўз-ўзини англаб етиши, онгининг уйғониши, характерининг шаклланиши, қаҳрамонлар тақдири воситасида ижтимоий ҳаётнинг у ёхуд бу жиҳатларини ифодалаш каби адабий-эстетик муаммоларни бадиий акс

---

\* Континуум – муайян узлуксизлик хусусиятларига эга бўлган объект.

\* Маскулин – бу мувафакиятли, ишончли, вазиятни назорат қиладиган ва етакчилик фазилатларига эга бўлган эркак.

эттиришда ижодкорлар услубидаги ўзига хосликни қиёслаш орқали ўзбек хотин-қизлари насрининг бадиий қирралари изоҳланган;

эркак образининг борлигини рационал ва иррационал ҳолда онгда аксланиши, адибларнинг тафаккур кучи билан ўз маънавий-руҳий эҳтиёжларига мос ижодий қайта ишлаши ва умумлаштириши, эркак образи бадиий интерпретациясининг ўзига хослиги, замонавий маданиятнинг андроцентрик тартибини фош қилиши ва феминоцентрик мистик реалликнинг замонавий рус ва ўзбек хотин-қизлар насри континуумида яратилиши очиб берилган ва ифодаланган;

хотин-қизларга хос хусусиятларнинг муаллиф идроки билан белгиланган концептосфера ва хронотопларга боғлиқлиги, рус хотин-қизлар насри мамлакатнинг ижтимоий тасвирини, ўзбек хотин-қизлар насри эса хотин-қизларнинг она, рафиқа, суюкли ёр, келин каби ижтимоий мақомларда акс эттириши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тадқиқот материаллари, кузатувлар ва хулосалар қуйидагиларни қайд этиш имконини беради:

замонавий хотин-қизлар насри типологиясини ўрганишнинг методологик базаси тўлдирилган;

ўзбек аёл насрининг кўплаб асарлари биринчи марта илмий муомалага киритилган ва таҳлил этилган;

янги типдаги қаҳрамоннинг (аёл насрида қаҳрамон-эркак ва қаҳрамон-аёл образи) пайдо бўлиши асосланган;

рус ва ўзбек адабиётларида аёл насри параллел ривожланиши, рус ва ўзбек адабиётларининг ўзаро таъсири ва бир-бирига кириб боришининг яхлит манзараси ишлаб чиқилган;

замонавий аёл насрига оид бадиий матнларни таҳлил қилишда «гендер» тушунчасидан фойдаланиш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қуйидагилар билан тасдиқланади: қўлланган ёндашув ва методлар, маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги; рус ва ўзбек аёл насри асарлари адабий таҳлили қиёсий-тарихий ва тузилмавий-семантик методлар воситасида амалга оширилганлиги орқали асосланганлиги; хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда келтирилган кузатув ва хулосалардан ўзбек адабиётида «аёл насри» феноменининг адабиётшуносликка оид тадқиқи янги жиҳатлари параметрларини тизимли, фанлараро алоқадорликларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш, материаллардан лексикографик амалиётда (айрим ёзувчилар ижоди бўйича луғатлар, справочник, семинарийлар тузишда), шунингдек, бадиий таржима амалиётида фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Диссертация тадқиқоти натижалари ва хулосаларидан олий таълим муассасалари, техникумлар, лицейлар ва умумтаълим мактабларида ҳозирги ўзбек ва рус адабиётлари бўйича маъруза, семинар машғулотлари умумий

курсларини ишлаб чиқишда, ўзбек ва рус адабиётларидаги аёл насрини ўрганиш, шунингдек, бадий матннинг адабиётшунослик таҳлили бўйича махсус курс ва махсус семинарларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рус ва ўзбек хотин-қизлар насрининг адабий феномен сифатида типологик умумийлиги ва миллий ўзига хослигини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

ўзбек хотин-қизлар насри структурал ва мазмун компонентлари икки хил оламнинг бадий манзараси, хотин-қизлар характерлари типологияси, хотин-қизлар насри асарлари муаллифларининг (Жамиля Эргашева, Фарида Афрўз, Зульфия Куролбой қизи, Саломат Вафо, Дильбар Саидова ва бошқалар) бадий-эстетик ва жанрга оид қарашларига оид хулосалардан 2015-2017 йилларда амалга оширилган ФА-А1-Г006 «Қорақалпоқ халқ кўшиқларининг текстологик таҳлили ва нашрга тайёрлаш» илмий-тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 10 ноябрдаги 340/1-сон маълумотномаси). Натижада рус, ўзбек, қорақалпоқ адабиётининг хотин-қизлар насри континуумида фемиоцентрик мистик воқеликни яратишга доир илмий хулосаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

хотин-қизларга хос дунё манзарасининг муаллиф идроки билан белгиланган концептосфера ва хронотопларга боғлиқлигига оид натижалардан 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005-сонли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихи тадқиқи» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 10 ноябрдаги 340/1-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий рус ва ўзбек хотин-қизлар насри континуумида фемиоцентрик мистик воқеликни яратиш, унинг фольклор ва замонавий қорақалпоқ адабиёти билан мутаносиблигига оид илмий хулосалар фольклор дискурсини бойитишга хизмат қилган;

хотин-қизларга хос дунё манзарасининг муаллиф идроки билан белгиланган концептосфера ва хронотопларга боғлиқлиги ҳамда «хотин-қизлар насри», «хотин-қизлар дастхати», «феминизм эволюцияси», «фемин дискурс», «маскул тартиб», «фемиоцентрик реаллик» каби тушунчаларга оид хулосалар Ёзувчилар уюшмасининг ҳузуридаги ёш олимлар бадий таржима ва таржима тўғараги кенгашининг таржимага ўргатиш амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси 2022 йил 20 январдаги 03/118-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тушунчалар Ўзбекистонда ҳозирги адабий жараёни ўрганиш ва мутахассис таржимонларни тайёрлашда ҳамда Зульфия Куролбой қизининг «Грех», «Солнце на моей стороне» асарлари асосида Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар насрини таржима қилишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 7 та (4 та халқаро ва 3 та республика) илмий-амалий анжумаларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг методологияси белгиланган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот муаммосининг ишлаб чиқилганлик даражаси, диссертация мавзуси бўйича бажарилган илмий ишлар шарҳи баён этилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ҳамда апробацияси ҳақида маълумот берилган ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

**«Аёл насри ҳозирги рус ва ўзбек адабиётида бадий феномен сифатида»** деб номланган биринчи боб уч бўлимдан иборат, унда Россия ва Ўзбекистон замонавий адабиётшунослигида «аёл насри» феноменининг дефинициялари шарҳи баён қилинган, аёл насри эволюцияси ва унинг рус адабий танқидчилигида акс эттирилиши таҳлил қилинган, XX-XXI асрлар чегарасида Россия ҳамда Ўзбекистон замонавий аёл насри ривожланишининг асосий тенденциялари белгиланган ва аниқланган.

Биринчи бобнинг **«Аёл насри замонавий адабий жараён контекстида»** деб номланган биринчи параграфида аёл насри китобхон ва адабий танқидчилар томонидан тан олинган ҳамда ўзига хос мазмуний ва шаклий хусусиятларга эга бўлган барқарор ижтимоий-маданий феномен сифатида тақдим қилинган. Россия аёл насри феномени тадқиқотчилари<sup>12</sup> кузатувлари ва хулосаларига таянган ҳолда мазкур ҳодиса аёл томонидан ва аёл ҳақида яратилган адабиёт сифатида тавсифланади. Аёл насрида ифодаланган олам хотин-қизлар идроки призмаси орқали аёл психологияси, физиологияси, ижтимоий ва маданий тажрибаси орқали тақдим этилган

---

<sup>12</sup>Андреева И. Женская логика. Сб. Женской прозы. Современник. – М., 1989 г.; Абашева М. «Чистенькая жизнь не помнящих зла» // Литературное обозрение, 1992 г., – № 5-6, – С.9.; Андреева И. «Женская логика» Сб. Женской прозы. Современник. – М., 1989 г.; Арбатова М. Женская литература как факт состоятельности отечественного феминизма // Преображение. – М., 1995. № 3; Ажгихина Н. Новые амазонки изящной словесности // Преображение. – М., 1995. № 3; Басинский П. Позабывшие добро? Заметки на полях «новой женской прозы» // Литературная газета. – М., 1991г.; Габриэлян Н. Ева - это значит «жизнь»: проблема пространства в современной русской женской прозе // Вопросы литературы. 1996. Вып. 4.; Габриэлян Н. Взгляд на женскую прозу // Преображение. – М., 1993. №1.; Габриэлян Н. Проблема пространства в современной русской женской прозе // Вопросы литературы. – М., 1996. № 4.

Ўзбекистон адабиётшунослигида илк бор С. Василенко<sup>13</sup> ва С. Вафо<sup>14</sup> каби Россия ва Ўзбекистон замонавий аёл насри вакиллари асарларининг киёсий-типологик таҳлили амалга оширилган. «Аёл насри»да марказий ўрин тутадиган «оналик» концепти тадқиқ этилган.

Биринчи бобнинг «**Аёл насрининг бадиий-эстетик ва жанрга оид ўзига хосликлари**» номли иккинчи параграфида аёл насрининг уни замонавий адабий маконда алоҳида қатлам сифатида ажратиб турувчи бадиий-эстетик ўзига хослиги ҳамда жанр хилма-хиллиги кўрсатилган. Замонавий адабиётшунослик луғатлари терминологик қатори «аёл детективи», «хотин-қизлар фентезиси», «хотин-қизлар сентиментал романи» каби таърифлар, муаллифлик (янги ёки трансформацияланган) жанр тузилмалари билан бойиган. Бадиий ижоднинг бу каби алоҳида типи нафақат рус адабиёти, балки бутун собиқ иттифоқ адабий маконида (жумладан, замонавий ўзбек адабиётида ҳам) қарор топди. Турли мамлакатларда аёл насри халқлар ривожланишининг ижтимоий-тарихий, ижтимоий-маданий ва миллий хусусиятлари билан белгиланган нозик томонлари ва акцентлари билан фарқ қилади.

Биринчи бобнинг «**Аёл насри Россия ва Ўзбекистоннинг замонавий адабий танқиди кўзгусида**» номли учинчи параграфида Россия ва Ўзбекистон адабий танқидчилигида аёл насрига бағишланган тадқиқотлар кўриб чиқилган. «Аёл насри» термини Россия адабиётшунослигида XX асрнинг 80-йилларидаёқ мустаҳкам ўрин эгаллаган эди, Ўзбекистонда эса адабиётнинг бу муҳим қатламининг (унинг шаклланиш жараёни ҳали тугалланмаган) илмий тафаккур этилиши ҳали оёққа туриш босқичида. Аёл насрига бағишланган жиддий тадқиқотлар деярли йўқ, аммо бу адабий феноменни назарий жиҳатдан англашга уринишлар замонавий адабий жараённи тадқиқ қилаётган адабиётшунослар илмий асарларида кузатилмоқда. Ўзбек тадқиқотчиларининг аёл насри хусусиятларига оид илмий қарашлари кўпроқ конференциялардаги чиқишлари, маърузалари, илмий мақолалари, адабий танқидчи ва адибларнинг интервьюларида ўз аксини топмоқда.

Диссертация тадқиқотининг «**Рус ва ўзбек аёл насри поэтикаси тузилмавий-мазмуний компонентларининг ўзига хосликлари**» деб номланган иккинчи бобида Россия ва Ўзбекистоннинг замонавий аёл насри асарлари бадиий таҳлил этилган. Боб учта параграфдан ташкил топган. «Аёл насри» дунёни эстетик идрок қилишнинг ушбу континуумдаги асарлар тузилмавий-мазмуний хусусиятлари: дунё бадиий манзарасининг ўзига хослиги, характерлар типологияси, алоҳида ижодий дастхатни белгилайдиган алоҳида тизими сифатида ўрганилган.

«**Россия ва Ўзбекистон аёл насрида дунёнинг бадиий манзараси**» деб аталган параграфида дунёнинг бадиий манзараси келиб чиқиши ва мавжудлиги замон ва макон, хотин-қизларнинг алоҳида гендер ва ижтимоий роли билан шартланган, ўзига хослиги эса дунёни алоҳида «хотин-қизларча»

<sup>13</sup>Василенко С. Хрюша // Новый Мир. – М., 1997. №9. – С. 69.

<sup>14</sup>Вафо С. Потерянная // Звезда Востока. – Т., 2021. №1. – С. 85.

идрок этиш, анъанавий умуминсоний муаммоларга (хаёт ва ўлим, ҳиссиёт ва бурч, инсон ва олам, оилавий муносабатлар, болалар ва ота-оналар (оналар ва кизлар), орзу ва воқелик, муҳаббат ва саодат, шахс ва жамият ҳамда ш.к.) хотин-қизлар нигоҳи билан белгиланган «аёл насри»нинг хусусиятини белгилаб берувчи компонентлардан бири сифатида антропоцентрик жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Аёллар насридаги дунёнинг муаллифлик манзараси – бу дунёнинг индивидуал-муаллифлик идрок этилиши, универсаллик ва миллийликнинг таянч муаллифлик тавсифларининг намоён бўлишидир. Бу адабиётдаги ҳар қандай континуумнинг, мазкур ҳолатда «аёл насри»нинг ўзига хослигини белгилайдиган асосий компонентлардан бири. Аёл насри асарлари муаллифлари<sup>15</sup> – дунёни ўзига хос идрок қилишнинг, замон ва макон билан белгиланган хусусий ва умуминсоний муаммоларга аёл нигоҳининг ўзига хос ретрансляторларидир.

Замон ва макон билан белгиланган ижтимоий-маданий феномен сифатида аёл насри адабиётга ўзининг специфик омиллари арсенали: ўз вазифалари, дунёнинг гендер бадиий манзараси, дунёни акс эттиришнинг ўзига хос бадиий восита ва усуллари билан кириб келди. Ўзбек ва рус аёл насри асарлари таҳлили унинг «тажовузкорлик» (О. Дарк, П. Басинский, М. Раунио), натурализм (А. Марченко, П. Басинский, Н. Габриэлян, Қ. Йўлдошев, Х. Дўстмухаммад), аёл моҳиятининг кўп қирралигини, тақдирнинг фожиавийлигини максимал акс эттириш ва ҳаёт қийинчиликларини китобхон билан бирга бошдан ўтказиш, енгиб ўтишга интилиш каби сифатларини аниқлаш имконини берди.

**«Ҳозирги аёл насрида ижодий дастхат хусусиятлари»** деб номланган иккинчи параграфда аёл ёзув услубининг бадиий ўзига хосликлари ва шартланганлиги аниқланган.

Аёл насри ҳақидаги танқидий мақолаларда<sup>16</sup>, бизнинг фикримизча, аёл насри учун умумий бўлган бир нечта ўзига хос «сифатлар»: «тажовузкорлик», «шафқатсизлик», «натурализм» етарлича асосланган ҳолда ажратиб кўрсатилган.

Фақат аёлларга оид мавзуларни ишлаб чиқа туриб, уларни иқтисодий, умумижтимоий, метафизик мавзулар билан бирлаштириб, муаллифлар дунёнинг ўз манзарасини яратадилар. Матннинг ғоявий-мазмуний асоси характерлар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, сюжет, композиция, нутқ

---

<sup>15</sup>Василенко С. «Хрюша», «За сайгаками», «Суслик»; Улицкой Л. «Дочь Бухары», «Сквозная линия»; Петрушевской Л. «Время ночь», «Как ангел», «Темная судьба»; Щербакова Г. «Вспомнить нельзя забыть», «Дверь в чужую жизнь»; Афруз Ф. «Извозчик», «Неведомые нам предель»; Куролбой кизи З. «Достоинство», «Ангел зла», «Грех» «Год без лета»; Вафо С. «Увиденное и пережитое скиталицей», «Потерянная», «Фаришта».

<sup>16</sup>Дарк О. Женские антиномии // Дружба народов. 1991. №4, – С.257.; «Не помнящая зла»: Новая женская проза. Сост. Ванеева Л.М., 1990; Эта неизвестная женская литература // «Русская душа»: Сб. поэзии и прозы современных писательниц русской провинции, – С. 6; Раунио М.Л. Как я не стала писательницей // «Мария»: литературный альманах. Петрозаводск, 1990. Выпуск 1, – С.269-270.; Козырева А. В зеркале Евы // Преображение. 1994. №2. – С.171.; Савкина И. Говори Мария! (Заметки о современной женской прозе) // 1996, № 4, – С. 64.; Габриэлян Н. Ева – это значит «жизнь» (Проблема пространства в современной русской женской прозе) // Вопросы литературы. 1996, № 4, – С. 32.; Дарк О. Женские антиномии // Дружба народов. 1991, №4, – С.257-258.; Савкина И. Да, женская душа должна в тени светиться // «Жена, которая умела летать»: Проза русских и финских писательниц. Петрозаводск, 1993, – С. 397.

хусусиятлари ва аёл насри вакиллари бадий дастхатининг бошқа таркибий қисмларида рўёбга чиқарилади.

**«Ҳозирги рус ва ўзбек аёл насрида хотин-қизлар характерлари типологияси»** деб номланган учинчи параграфда рус ва ўзбек аёл насрида хотин-қизлар характерлари типологияси тизимлаштирилган, ушбу континуум бадий асарларида аёл моҳияти намоён бўлишининг турли жиҳатлари таҳлил этилган.

Характер адабиётшуносликнинг асосий категорияларидан бири сифатида, унинг шаклланиши ва мавжудлиги адабиётшуносликка оид қатор жиддий тадқиқотларда ўрганилган<sup>17</sup>. Персонаж – характер – «ўзини ўзи белгилайдиган», бадий матнда тасвирланадиган, умуман ҳаётда ҳам, муайян вазиятда ҳам ўз ролини танлайдиган шахс (С.Бочаров) экани ҳақидаги фикр тўлалигича ишончли аҳамият касб этади.

Аёл насри асарларининг таҳлили бадий тизимларда алоҳида типологик тузилмаларни ажратиб олиш имконини берди. Тизимлаштириш, албатта, буткул умумий қамровни таъминлаёлмайди, муаллифларнинг афзал кўришлари ва оригиналликни истисно қилмайди. Шартли равишда характерларнинг икки типини: ижтимоий-тарихий шарт-шароит ва ўзига хос психологик тузилиш билан белгиланадиган ижтимоий-эпохал ҳамда бадий анъанага бориб тақаладиган адабий типни (Н.Д. Тамарченко концепцияси) ажратиш мумкин. Биринчи типга биз аёл-йиртқич типини<sup>18</sup>, ҳисоб-китобли бизнес-вумен типини<sup>19</sup>, «сотқин-хиёнаткор» типини<sup>20</sup>; «қурбон» типини<sup>21</sup>, «исёнкор» типини<sup>22</sup> киритдик. Иккинчи (адабий – И.Н.) типга – она типини, вафоли ёр типини, «идеал аёл – рафиқа» типини, уй бекаси, рўзғор сариштаси типини; қайта туғилаётган натура типини<sup>23</sup> киритдик.

Аёл насри бадий маконида бир маъноли характерлар йўқ, одатда улар бир неча тип кесишувида яратилади (бу уларни ҳаёт ҳақиқатига яқинлаштиради). Улар негизида асосан, қаердадир кўпроқ, қаердадир камроқ ифодаланган, ўзини қурбон этишга тайёрлик ётади. Аёл насрининг мазмун ифодаловчи ва характер ҳосил қилувчи бош компоненти – муҳаббат. Аёл нима ҳақида ёзмасин, доим муҳаббат ҳақида бўлади.

---

<sup>17</sup>Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества – М., 1979. – С.171.; Бочаров С. Характеры и обстоятельства // Теория литературы: основные проблемы в историческом освещении. Образ, метод, характер. – М., 1962; Гинзбург Л. О литературном герое. Л., 1979; Хализев В. Типическое и характерное // Теория литературы: учебник, – М., 2005 и др.

<sup>18</sup>Токарева В.С. День без вранья: Рассказы и повести. – М.: «Аст издательство», 2008 г.

<sup>19</sup>Щербакова Г. Самая лучшая женская проза. «Вспомнить нельзя забыть». – М.: «ЭКСМО», 2008 г.; Вафо С. Оворанинг курган-кечирганлари. – Т.: «Шарк», 2008 г.

<sup>20</sup>Улицкая Л. Дочь Бухары. Рассказы и повести. – М., 2008 г; Ф. Афруз. Неведомые нам пределы. Современная женская проза Узбекистана. В поисках себя. – Т.: «Тафаккур каноти», 2020. – С. 38. Куролбой кизи З. Солнце на моей стороне // Звезда Востока. – Т., 2020. №1. – С. 85.; Куролбой кизи З. Грех // Звезда Востока. – Т., 2020. №5. – С. 135.; Куролбой кизи З. Достоинство // Звезда Востока. – Т., 2020. №3. – С. 131.

<sup>21</sup>Куролбой кизи З. Женщина // Звезда Востока. – Т., 2012. №1. – С. 118.

<sup>22</sup>Петрушевская Л. Темная судьба. Современная проза. – М.: «Вагриус», 2002 г. – С. 78.; Куролбой кизи З. Ангел зла. - В поисках себя. Современная женская проза Узбекистана. – Т.: «Тафаккур каноти», 2020 г. – С. 292.

<sup>23</sup>Щербакова Г. Самая лучшая женская проза. «Вспомнить нельзя забыть». – М.: «ЭКСМО», 2008 г. – С. 178.

Рус ва ўзбек аёл насрида характерлар уйғун, муайян менталлик билан шартланган ва ўзида у ёки бу маданиятга хос бўлган маълум бир эстетик ва тушунчавий (мазмуний – И.Н.) кодни ўзида мужассамлаштиради.

**«Энг янги аёл насрида фемин дискурси»** номланишдаги учинчи бобда энг янги давр аёл насри тадқиқ қилинган ва фемин дискурс талқинига оид қатор хулосалар чиқарилган. «Гендер» тушунчасининг киритилиши жинснинг табиий ва сунъий жиҳатлари, яъни табиат томонидан яратилган ва жамият томонидан моделлаштирилган жиҳатларини чегаралаш зарурати билан шартланди. Кўплаб тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаганидек, адабиётшуносликда гендер тадқиқотлар институализация ва ривожланиш жараёнидадир<sup>24</sup>.

